



MILLIY TIKLANISH

5 (377) ● 2016 йил 3 февраль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Президентимиз дастурий маърузасида белгиланган вазифалар ЎзМТДП ташкилотлари эътиборида

Айни пайтда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоларининг 47,5 фоизи хотин-қизлардан иборат

Қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари самарадорлигига хизмат қилади

Маҳаллий Кенгашларда

Депутатлар ҳокимлар ҳисоботини тинглади

ЎзМТДП гуруҳлари ўз дастурий мақсад-вазифалари ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таклиф, фикр-мулоҳазаларини илгари сурди

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда, уларнинг самаралари бугун жамиятимизнинг барча жабҳасида ўз аксини топаётир. Бу борада, айниқса, сўнги йилларда амалга оширилган конституциявий ислоҳотлар алоҳида аҳамият касб этади. Президентимиз ташаббуси билан 2014 йилда Конституциямизга қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Бош қомусимизнинг 103-моддасида вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим, долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши, улар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниши белгиланди. Ушбу янгилик асосида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунга ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, уни амалга ошириш механизмлари жорий қилинди.

Бу йил ушбу конституциявий қоида амалиётга илк бор татбиқ этилди. Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлисдан кейин жойларда вилоят ҳокимлари вакиллик органларига ҳисобот тақдим этди.

> 4-бет.

Қўшма йиғилиш



Устувор вазифалар, янги мақсад ва режалар

уларни ҳаётга татбиқ этиш ЎзМТДП ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларидан бор куч-имкониятларини сафарбар қилишни талаб этади

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, мутахассислар, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Қўшма йиғилишда масала юзасидан ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов маъруза қилди.

> 2-бет.

Миллий ғурур

Хайринисонинг хайрли орзулари



Ёш авлоднинг маданий савиясини юксатириш, ўғил-қизларнинг миллий ва жаҳон муносибати юксак намуналаридан баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароит яратиш, муносиб таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, муносиб ва санъат масканларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Билдириладиган юксак ишончга муносиб бўлиш масъулияти ёшларни янада кўпроқ изланишга, ўз истеъдодини намоён этишга ундамоқда. Айни вақтда уларнинг маданият ва санъат соҳасида эришадиган катта ютуқларини дунё эътирофи этмоқда.

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги 20-музика ва санъат мактабининг аънаваный хонандалик йўналиши 5-синф ўқувчиси Хайринисо Акбарова ҳам ана шундай истеъдод эгаларидан бири. У ёш бўлишига қарамай, нафақат юртимизда, балки халқаро сахналарда ҳам ўз иқтидорини намоён этиб, миллий музика санъатимизни дунёга танитиб келмоқда.

> 6-бет.

Сарҳисоб

Истиқлол йилларида мамлакатимизни модернизациялаш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларда хотин-қизлар иштирокчини кенгайтириш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

ЎзМТДП хотин-қизлари

демократик ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айланиши — асосий вазифамиз

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, муносиб меҳнат, таълим, турмуш шароитларини яратиш билан боғлиқ ҳуқуқий кафолатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қатор қонунлар, фармон ва қарорларда белгилаб қўйилган. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари, "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор, Ўзбекистон Республикасининг "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги қонуни бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда ҳуқуқий асос бўлмоқда.

> 3-бет.

Ташаббус натижа берди

Туризм хизматлари экспортини ошириш

масаласи ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши сессиясига киритилди

Самарқанд жаҳон цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан биридир. Бу ердаги обидалар, маданий ёдгорликлар ажодларимиз даҳосидан, олис ва буюқ ўтмишдан сўзлайди. Самарқанднинг гўзал ва сўлим табиати, қадимий ва замонавий иншоотлари бутун дунёни ўзига мафтун этиб келаётир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, Самарқанд тупроғининг ҳар бир заррасида улуг бир ҳикमत бор, ҳар бир кўчаси, майдон ва хиёбонда салобат, файзу тароват бор. Бу қадимий ва ҳамisha навқирон шаҳарнинг ҳар бир гиштида бунёдкор халқимизнинг буюқ истеъдоди ва маҳорати, боқий қадриятлари муҳассама.

Истиқлол йилларида Самарқанд ўзгача тароват ва маҳобат касб этмоқда. Бу эса шаҳарга келаётган сайёҳлар сафининг муттасил кенгайиши, ички туризмнинг ривожланиши, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли фаровонлигининг ошишига хизмат қилаётир.

Дарҳақиқат, вилоятда сайёҳликни жадал тараққий эттириш учун барча омиллар мавжуд. Сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш, юртимиз ҳақидаги тасаввурларини бойитиш, хусусан, ўзбек халқининг бой тарихи, миллий қадрият ва аънаваларини дунё миқёсида тарғиб этиш учун вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантириш ва туристик хизматлар экспортини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг 19 январидан бўлиб ўтган сессия кун тартибига "Вилоятда туризмни ривожлантириш ва сайёҳларга сервис хизматларини яхшилаш бўйича олиб бориладиган ишлар аҳоли тўғрисида"ги масалани киритди.

— Ота-боболаримиз Самарқандга ер узининг сайқали, деб бежиз таъриф бермаган, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Баҳодир Шаропов. — Мустиқлик шарофати билан шаҳримизга келаётган сайёҳлар ва меҳмонларнинг сони йилдан-йилга ортиб бораётир.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

Сиёсий-ҳуқуқий билими етук, дунёқарashi кенг кадрлар

партия нуфузини янада юксалтириш, дастурий мақсад-вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга



> 3-бет.

Хиёбондаги антропология музейи

Мексика миллий антропология музейи Мехико шаҳридаги Чапультепек хиёбонда жойлашган



> 7-бет.

Рағбат — муваффақиятга кафолат

Ҳар йили уюшма қошида 700 дан ортиқ "устоз-шогирд" мактаблари ташкил этилиб, уларда 4 мингга яқин ёшларга касб-хунар ўргатилади



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



www.milliytiklanish.uz
 сайтида ҳам ўқинг!

Бизнинг шарҳ

4 февраль — Жаҳон саратонга қарши кураш кун... Саратон касаллиги тўғрисида одамларга тушуنча бериш...

Саратон — бедаво эмас

фақат унга вақтида чора кўроқ лозим

катлари, Хитой, Япония) аёлларнинг кўкрак бези саратони билан касалланиш кўрсаткичи жуда паст...

Юқумли эмас, бироқ...

Саратон юқумли эмас дейилса-да, бироқ баъзи истисно ҳолатларни инкор этиб бўлмайди...

Саратон қандай касаллик?

Саратоннинг ўзига хос жиҳати — инсон организмда тезда гайриоддий ҳужайралар ҳосил қилади...

Саратон касаллиги бошланаётганда, у тананинг қайси қисмида ривожланаётганидан қатъи назар...

Статистик маълумотларга қараганда, ўпка саратонининг 87 фоизи тамаки чекиш оқибатида юзага келади...

Саратоннинг кўкрак бези саратонини ўрганиш бўйича олиб борган узоқ йиллик тадқиқотларидан маълум бўлдики...

Соғлом турмуш тарзи — бош омил


"Саратон — ҳукм эмас, дейди россиялик олий тонфали онколог-маммолог, тиббиёт

фанлари номзоди Алла Надеждина. — Ҳозирда мазкур касалликни даволашнинг усуллари жуда кўп. Фақат шифокорга вақтида мурожаат қилиш лозим...

ҳам учрамоқда. Бола туғиш — саратон хавфидан қутилиш дегани эмас. Сабаби оналар узоқ вақт болани кўкрак сути билан боқади...

Саратон енгилиши керак!

Агар саратон дастлабки босқичда аниқланса, уни 95 фоиз ҳолатда даволаш имконияти мавжуд. Ҳатто касалликнинг энг сўнгги — IV босқичда ҳам ундан қутилишга умид бор...



енгиб ўтиш мумкин. Бунга чекиш, спиртли ичимликлар ичишдан воз кечиш, доимий соғлом овқатланиш ва кунни кўпроқ куёшда ўтказиш орқали эришиш мумкин...

Сўнгги йилларда саратонни даволашга нисбатан ёндашув ўзгарди. Агар аввалларига нисбатан оддий муносабатда бўлиб келинган бўлса...

Дунёдан ДАРАКЛАР

Зика вируси ҳудуд танламайди

Ҳозирги кунга келиб, Колумбияда 20,2 мингдан зиёд одам Зика безгаги билан касаллангани қайд этилган...

Вирус "Aedes Aegypti" чивини қақиши туфайли юқади, тана ҳарорати кўтарилиб, бадан увушади, бош, мушак ва бўғимлар оғрийд...

Кутилмаган қор

Саудия Арабистонига кириб келган совуқ ҳаво оқими натижасида айрим ҳудудларда кучли қор ёғди.

Жумладан, пойтахт Арийд шаҳрида ҳарорат 5 даражага қадар пасайиб юборди. Одатда Қувайтда ёзда 50, қишда 20 даражага иссиқ кузатилади...

Энг қиммат компания

2015 йилда "Google"ни ўз таркибига қўшиб олган "Alphabet Inc." холдинг компанияси дунёда энг қиммат компания сифатида қайд этилди.

Кўтарилиган. Шундан сўнг компаниянинг умумий қиймати 568 миллиард долларга етган. "Apple" эса 535 миллиард долларга баҳоланган...

Рангин дунё

Мексика миллий антропология музейи Мехико шаҳридаги Чапултөпек хиёбонида жойлашган.

Музей узоқ йиллик тарихга эга. XVIII аср охирида Мексика ҳукумати қарорига биноан, тарихчи-этнограф Лоренцо Ботуринга тегишли коллекциянинг бир қисми Мексика қироллик католик университетига топширилди...

Хиёбондаги антропология музейи



маннинг тавсиясига биноан Президент Гвадалупе Викториа Мексика миллий музейини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилади. 1910 йил 9 сентябрда музей қайта очилади...

метр, оғирлиги 167 тонна. Музейда 23 кўрғазма зали мавжуд. Унинг кириш зали ўртасида ҳайкалтарош Хосе Чавес Морано лойihaси асосида тошдан ишланган соябон ўрнатилган.

шарадан сув отилиб туради. Музей экспозицияси археология ва этнография бўлимларидан иборат. Музейнинг антропология залида қадимги одамларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ экспонатлар ўрин олган.

дай ҳаёт кечиргани, овчилик, иш ва ов қурулларидан фойдалангани тўғрисида қизиқарли маълумотларга эга бўлиш мумкин...

деб ҳам аташади. Тош диаметри — 3,60, қалинлиги — 1,22 метр, оғирлиги — 24 тонна. Мазкур ноёб экспонат 1790 йилда Мехико марказидаги Сокало майдонидан топилган...

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҲАҲҲОҲОВ тайёрлади

